Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.
№ 53 (5402).
15 МАРТ
ШАНБА
1975 йил.
Баҳоси 2 тийин.



СОВЕТ - ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Финляндия Республикаси президенти Урхо Калева Кекконен ўртасида музокаралар 13 март куни давом эттирилди.

Дўстона ва ишчанлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет—Финляндия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари хусусида ва ҳар иккала томонни қизиқтирувчи баъзи муҳим халқаро проблемалар хусусида ижобий тарзда фикрлашиб олинди. (ТАСС)

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАР ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 14 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЛУМОТ

Биринчи стун — баҳори дон экиш; иккинчи стун эртаги сабзавот экиш ва кўчат ўтказиш; учинчи стун — беда сепиш (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	200,0	5,8	17,3
Янгийўл	187,8	44,0	6,0
Оҳангарон	157,6	77,1	—
Бўка	86,9	168,3	1,6
Юқори Чирчиқ	60,5	22,2	—
Ўрта Чирчиқ	56,7	33,0	0,9
Калинин	43,4	67,6	13,8
Чиноз	42,0	217,0	0,6
Бекобод	26,6	151,4	37,1
Пискент	31,7	140,9	—
Бўстонлиқ	—	37,4	—
Қуйи Чирчиқ	—	15,9	33,1
Оржоникидзе	—	61,1	6,5
Область бўйича	46,4	61,9	8,2

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозида қишлоқ хўжалик техникаси кўклам дала ишларига тахт қилиб қўйилди.

Суратларда: (юқорида) илғор механизатор Жаббор Айтбоев ва хўжалик бош инженери Кененбой Усмоновлар иш устида. Ўртада тайёрланган экиш агрегатлари. Пастда илғор механизатор Хатам Ҳамроқулов.

Ж. Тўраев фотолари.

МАТБУОТИМИЗ КАДРЛАРИ

В. И. Ленин публицистик ишни умумпартиявий ишнинг ажралмас қисми, деб атаб, партия, давлат, хўжалик ва маданий қурилишда, янги кишини тарбиялаб етиштиришда унинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтган эди. Жамоатчилик фикрининг ифодачиси, коллектив пропагандист, агитатор ва оммани ташкилотчиси сифатида бизнинг матбуотимиз мамлакатнинг бутун ҳаётига қудратли таъсир кўрсатиб турибди. Оммавий информация ва пропаганда воситалари тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида ҳозир ғоят актив қатнашмоқда.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, социалистик мусобақани авж олдириш, ишнинг барча соҳаларида партиявий услубни барқарор қилиш — шундай асосий йўналишлардирки, журналистларимизнинг ижодий куч-ғайрати шу йўналишда олға боришни тезлатишга ҳамма чоралар билан кўмаклашиши лозим. Совет матбуотининг сўзи жаҳоннинг ҳамма қитъаларида мўътабар янграмоқда, социалистик жамият, совет турмуш тарзи тўғрисидаги, СССРнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати муваффақиятлари ва Тинчлик программасининг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни миллион-миллион кишиларнинг дилига жо қилмоқда.

Ҳозир мамлакатда Совет халқларининг 57 тилида ва жаҳон халқларининг 22 тилида 15 мингга яқин газета ва журнал чиқиб турибди, 130 дан ортиқ телестудия ва радиостудия, 200 дан зиёд нашриёт, иккита информация агентлиги — ТАСС билан АПН ишламоқда. Газета ва журналлар тиражининг тинмай кўпаяётганлиги, телевидение ва радио эшиттиришнинг кенг қулоч ёйганлиги публицист сўзининг таъсирчанлиги ва халққа манзур бўлганлигидан, журналистларнинг меҳнатига халқнинг чуқур ишончи ва ҳурматидан далолат бермоқда.

Коммунистик эътиқод руҳида тарбияланган совет журналистлари партияга, унинг улуғ ишига садоқат билан хизмат қилишни ўзларининг ҳамма ишларининг мақсади деб билмоқдалар. Улар омма билан чамбарчас боғланиб, ундан илҳом ва куч олмоқдалар. Партия журналистларни ҳақли равишда ўзининг ишончли ёрдамчилари деб хисобламоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, журналистларнинг вазифаси — воқеаларга нисбатан янада оператив, ҳозиржавоб бўлишдан, информация ишнинг қўйилишини жиддий равишда яхшилашдан, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маданий савиясини ва ҳар тарафлама маънавий талабэҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олишдан, публицистика воситалари ва жанрларининг барча турларидан фойдаланиб, дарҳол, жонли, мароқли қилиб ёзишдан иборатдир.

Матбуот, телевидение ва радио ходимларининг ғоявий-сиёсий ва методологик тайёргарлиги тўғрисида тамҳўрлик қилиш, уларни чинакам жанговарлик фазилатлари руҳида тарбиялаш ҳамиша партия комитетларининг диққат марказида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида бу вазифа янада қатъият билан таъкидлаб ўтилган.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги даражаси, социал-иқтисодий ривожланиш ва коммунистик тарбия соҳасидаги вазифаларнинг кенг кўлами, жаҳон миқёсида идеология курашининг мураккаблашганлиги, оммавий информация ва пропаганда воситаларининг барча ходимлари олдига янада юксак талаблар қўймоқда, уларнинг сафларини талантли ёшлар билан тўлдириши талаб қилмоқда. Мамлакатнинг 20 та университетида, саккизта олий партия мактабида ва бошқа олий ўқув юртларида журналист кадрлар тайёрланмоқда. Журналист касбининг партиявий характерда эканлигини назарда тутиб, шу ўқув юртларига ўқувчилар танлашни шундай ташкил қилиш керакки, бу мактабларга матбуотда ишлашга иштиёқи бўлган, ижтимоий ҳаётда актив қатнашаётган, ижодий қобилиятли, сиёсий саводли ёшлар кирсин.

Иттифоқдош Республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари олдига бўлажак журналистларнинг марксизм-ленинизм назариясини, КПССнинг тарихий тажрибасини, партия ички ва ташқи сиёсатининг асосларини, идеология иши методларини пухта ўзлаштиришларини таъминлаш вазифаси қўйилди. Журналист кадрлар социалистик экономиканинг, фан-техника тараққиётининг, социалистик мусобақани ташкил этишнинг, партия ва совет қурилиши принципларининг муҳим проблемаларини ўрганишларига эътиборни кучайтириш керак. Албатта матбуот, телевидение ва радио ходимларининг оммага сиёсий билим бериш ленинча санъатини тинмай эгаллашларига, коммунистик идеаларни пропаганда қилишни амалий вазифаларни бажариш билан боғлаб олиб боришларига, душман идеологияси билан, ўтмишнинг сарқитлари билан курашни маҳорат билан олиб боришларига эришиш керак.

Юксак ғоявий аҳлоқий фазилатлар, ишчанлик, кенг кўламдаги билимдонлик, принципиалликни ва бошлаган ишни публицистик маҳорат билан охирига етказа олишни бир-бири билан узвий равишда боғлаб олиб бориш ҳар бир матбуотимиз ходимининг фазилати бўлмоғи лозим. Мана шундай фазилатларни ҳосил қилиш, кучайтириш учун эса энг малакали, тажрибали журналистларни олий ўқув юртларида илмий-педагогик ва тарбиявий ишларга актив жалб этиш муҳим вазифадир. Ўз навбатида журналистика факультетларининг ўқитувчиларига ҳам редакция коллективлари билан мустаҳкам алоқада бўлиб туриш фойдалидир. СССР Журналистлар союзи ва унинг ташкилотлари матбуот, телевидение, радио кадрларини тайёрлашда партия органларига, олий ўқув юртларига катта ёрдам беришлари лозим.

Матбуотнинг ёш кадрларини тайёрлаш ва тақсимлашни планлаштиришни яхшилаш соҳасида анчагина иш қилиниши керак. Барқарор ва жанговар ижодий коллективларни вужудга келтиришга баъзи ҳолларда етарли даражада ғамхўрлик қилинмайди. Журналистларнинг талаб-эҳтиёжларига, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитига сезгирлик билан қараламайди. Партия ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, газета ва журналларнинг редакциялари, нашриётлар, телевидение ва радио эшиттириш комитетларининг раҳбарлари, шунингдек касаба союз ва комсомол органлари бу масалага катта эътибор беришлари лозим.

Идеология фронтининг бошқа ходимлари сингари совет журналистлари ҳам ҳамиша коммунистик қурилишнинг олдинги мараларида турибдилар. Журналистларнинг бурчи фахрли, лекин шу билан бирга уларнинг олдига катта-катта вазифалар ҳам қўйилган, улардан юксак сиёсий, гражданлик масъулиятини талаб қилинади. Матбуот, телевидение, радио учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини яхшилаш оммавий информация ва пропаганда воситаларининг ролини ҳамда сафарбар қилувчи таъсирини янада оширишга имкон беради.

(«ПРАВДА» газетасининг 14 мартдаги бош мақоласи).

БЕКОБОД РАЙОНИДА

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Далаларда баҳор нафаси кезиб юрибди. Миришкор деҳқон учун масъулиятли дамлар бошланди. Ҳа демай ерга барака уруғи қадаладн. Экиш-текиш ишларини қисқа вақт ичида тез ва соз ўтказиш ҳозир барча дала меҳнаткашларининг диққат-эътиборида.

Навоий номли колхоз аъзолари ҳам ана шу масъулиятли кампанияга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Кузда чуқур ва сифатли шудгор қилинган майдонларга ўғит чиқариш, уруғли чигит тайёрлаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш ниҳоясига етказилмоқда.

Айниқса, хўжаликнинг 15-бригадасида иш жадал. Шундай бўлиши табиий. Негаки азамат заршунослар бу йил зиммаларига юксак мажбурият — ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишга аҳд қилишган. Кунига далаларга кўплаб маҳаллий ўғит чиқарилмоқда, мавжуд техника ва ишчи кучидан самарали фойдаланилмоқда.

Бу ишда А. Мустафоқулов, В. Бекмирзаев, М. Олишев каби оташқалб йигитлар бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

ТЕХНИКА ЭКИШГА ТАХТ

«Победа» колхози районда машъал хўжаликлардан бири. Хўжаликда пахтачилик соҳасида беш йилга мўлжалланган марра тўрт йил ичида эгалланди.

Колхоз аъзолари ҳад қилувчи йилда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, эл хирмонига тағин ҳам кўпроқ дурдона етказиб бериш мақсадида кўклам экиш ишларига тайёргарликни қизитиб юборди-лар. Барча техника қисқа вақт ичида созлаб қўйилди. 136 комплект борона, 6 чизел, 18 та сеялка, 93 та турли хил трактор ва механизмлар бугун — эрта далаларда жавлон уради.

Ремонт ишларини пухта олиб боришда пўлат от суворийлари Камол Эгамберднев, Раҳмон Ҳолиқов, Мамарайим Шодмонов каби механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлди.

ПАХТАЧИЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБИМИЗ

Самарқанд область Пахтачи райони меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси районимизда ҳам кенг қулоч ёймоқда. Уларнинг тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ички резервлардан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил етиштириш, илғор тажриба ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тинмай жорий этиш, пахта етиштириш технологиясини ҳормай-толмай такомиллаштириш, тупроқнинг унумдорлигини ошириб, техникадан иложи борича унумли фойдаланиш тўғрисидаги ибратли ташаббуслари районимиз пахтакорларини ҳам янги меҳнат муваффақиятларига ундади.

Бизнинг Ҳамза номли колхозимиз меҳнат аҳли ҳам янги режалар билан яшамоқдалар. Улар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказишга аҳд қилишди. Бу йил ўғитдан янада самаралироқ фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорликни бир неча центнерга ошириш, колхозда алмашлаб экиш ҳисобига тупроқнинг унумдорлигини кўтариш режалари тузилган. Ана шу ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун астойдил курашилмоқда.

Қадрли пахтачилик пахтакорлар. Сизнинг мурожаатингиздан руҳланган бригадамиз аъзолари ҳам зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Ҳар гектар ҳосилдорлигини 47 центнерга етказамиз. Бригадамизда пахта билан бир қаторда канап, маккажўхори дони етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар гектар ердан 250 центнердан канап, 90 центнердан ошириб маккажўхори дони етиштирамиз. Бригадамиз колхозчилари ана шу юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқдалар.

Ўзаро социалистик мусобақа ишимизни жадаллаштиришда, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ялҳомлантирувчи куч ҳисобланади. Бригадамиз аъзолари, механизаторлар, сувчилар, ўзаро социалистик мусобақа асосида иш юритадилар. Шунинг учун ҳам дала ишлари юқори сифатли ўтказилмоқда. Ҳозирги кунларда баҳорги экиш ишларига пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз. Барча экиш агрегатлари экишга шай қилиб қўйилди, ерларни бороналаш, текислаш ишлари қизитиб юборилди. Биз ўз меҳнат муваффақиятларимиз билан мусобақадошларимиз чақиригига муносиб жавоб берамиз.

У. БАРОТОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхозининг бригада бошлиғи.

Ойша Рўзибоевaнинг Тошкент «Малика» трикотаж фирмасида ишлаётганига олти йилдан ошиб қолди. Меҳнатсевар қиз камтарлиги, ойлик, квартал планларнинг ошириб бажаришн, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши туфайли коллектив ҳурматини қозонди. Суратда: ишлаб чиқариш илғори О. Рўзибоева.

Л. Глауберзон фотоси.

МАЖБУРИЯТ ОЛДИНГМИ, БАЖАР!

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар йил давомида пландагидан ташқари камм билан 180 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини белгиланганига нисбатан бирмунча ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда 20 миллион сўмлик жамғарма олишга ваъда берганлар.

Аксарият саноат корхоналари коллективлари зиммага олинган юксак мажбуриятларни ва муқобил планларни бекаму-кўст бажаришга, бу билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Барча имкониятларни ишга солиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришга астойдил интилмоқдалар.

Якунловчи йилнинг ўтган икки ойи натижалари шуни кўрсатадики, аксарият корхоналар давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришяпти. Социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилиши, меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига қатъий риоя қилиш муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Айниқса, Янгийўл шаҳар, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Чиноз ва Пискент районлари саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари баракали меҳнат қилишяпти. Йиллик планни муддатидан илгари бажариш бўйича белгиланган марраларга собит қадамлар билан яқинлашмоқдалар. Бу шаҳар ва районлардаги кўпчилик корхоналар коллективлари мажбуриятларини ой сайин муваффақиятли адо этишяпти.

Масалан, Янгийўл шаҳар саноатчилари шу йилнинг ўтган икки ойида маҳсулот реализация қилиш бўйича топшириқни 105,6 процент бажариб, областимиз шаҳарлари ўртасида энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Реализация ҳажми ўтган йилгига шу давригига нисбатан 10,1 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқ 3 процент зиёдаси билан бажарилди. Биргина январь ойида шаҳарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг таннархи 290 минг сўмлик камайтирилди. Умуман, шаҳар бўйича йил давомида пландагидан ташқари 9 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш назарда тутилган. Ўтган икки ойда қўшимча реализация қилинган маҳсулот қиймати 1 миллион 516 минг сўмни ташкил этиши керак эди. Амалда эса у 1 миллион 693 минг сўмликка етди.

Оққўрғон районидаги саноат корхоналари коллективлари шу давр мобайнида мажбуриятдагидан ташқари 224 минг сўмлик, Бекобод райони саноатчилари пландагига қўшимча 674 минг сўмлик, Бўка районидаги саноат корхоналари коллективлари мажбуриятда белгиланган миқдордан 182 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилдилар. Чиноз, Пискент районлари ўтган икки ой ичида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланганидан ташқари юзларча минг сўмлик саноат маҳсулотлари етказиб беришди.

Бу районлар саноатчилари ўз фаолиятларининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам муттасил яхшилаб боришга эришмоқдалар. Уларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини қамайтириш бўйича ҳам дуруст ютуқлар қўлга киритиляпти. Бекобод районида меҳнат унумдорлиги пландагидан 9,5 процент, Бўстонликда 8,7, Бўкада 9,2, Пискентда 14,3, Чиноздэ 9,3 процент ортиқ бўлди. Маҳсулот таннархини камайтиришдан кўп миқдорда маблағ тежаб қолинди. Биргина Оққўрғон район саноатчилари бундан 362 минг сўмлик жамғарма олдилар. Бекобод районида маҳсулот таннархини камайтиришдан кўрилган фойда 195 минг сўмни, Бўкада 48 минг, Пискентда 101 минг, Чиноздэ 24 минг сўмни ташкил этди.

Қатор муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятлар ҳам зиёдаси билан адо этилмоқда. Пўлат ва прокат ишлаб чиқариш, кўмир қазиб олиш, минерал ўғитлари, химия асбоб-ускуналари, рўзғор холодильниклари, пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича зиммага олинган мажбуриятлар бажарилмоқда.

Лекин, умуман олганда областимиз саноатчилари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришдан орқада қолмоқдалар. Ҳисобларга кўра ўтган икки ой мобайнида қўшимча 30 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулоти реализация қилиниши керак эди, аслида бундан анча кам бўлди — 5 миллион 970 минг сўмлик етмай қолди.

Тошкент области шу икки ой мобайнида социалистик мажбуриятда белгиланганига нисбатан 3 миллион 381 минг сўмлик, Тошкент шаҳри эса 2 миллион 589 минг сўмлик кам маҳсулот реализация қилди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районлари саноатчилари ҳам ваъдаларининг тўла уддасидан чиқа олмаяптилар. Улар мажбуриятни бажаришда оқсаб, белгиланганидан анча кам маҳсулот реализация қилдилар. Пахта териш машиналари, пахта сеялкалари, подбоскачилар, цемент, чарм пойафзали, тиқувчилик буюмлари, чинни буюмлари, мебель каби муҳим саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан зиммага олинган мажбуриятлар ҳам бажарилмай қолянти.

Халқимизнинг «Ваъда бердингми, бажар!» деган ҳикматли нақли бор. Областимиз саноатчилари ҳам шунга амал қилишлари керак. Улар ҳар қандай шароитларда ҳам давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришмоқлари даркор. Айниқса, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида бунинг аҳамияти катта, чунки, йил қанчалик яхши якунланса, умуман тўққизинчи беш йиллик мобайнидаги меҳнат натижалари ҳам шунчалик баракали бўлади, КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга шунчалик кўп ҳисса қўшилади.

Шунинг учун ҳам жойлардаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида социалистик мусобақани янада авж олдиришлари, уни вақти-вақти билан якунлаб туришлари ва голибларни рағбатлантиришлари, илғор иш усулларини ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, ҳар бир корхона, цех ва участкадаги фойдаланилмай ётган резервларни қидириб топиш ва ишга солишга эришишлари лозим. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қолоқ участкаларни бартараф этиш бўйича белгиланган барча ташкилий-техникавий тадбирларнинг тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлашлари зарур.

Социалистик мажбуриятларнинг бажарила бориши доим уларнинг диққат-эътибор марказида турмоғи керак. Бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар тезда аниқланиб бартараф этилиши, уларнинг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилиши учун ёрдам берадиган барча омиллардан оқилона фойдаланиш шу куннинг муҳим вазифасидир.

М. МИРҲАМИДОВ.

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилига олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Илғор чеварлардан М. Раҳматуллаева, М. Раупова, Х. Насриддинова, М. Қурбонова, З. Содиқова, Х. Содиқовалар шахсий мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, мусобақада пешқадамлик қилишаётир.

А. Тўраев фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича Бутениттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ҳамда халқ хўжалик планлари ва зиммага олинган мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шарафли меҳнати учун **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Рўзиев Эгамберди Раҳимович — суғориш системалари Бўстонлиқ район бошқармаси Ҳондайлиқ гидроучасткасининг сув ўлчовчиси.

Рустамова Ишорат — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхознинг колхозчиси.

Рисбекова Ҳалима Загидулловна — Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг сут соғувчиси.

Сандалиева Тўхта — Оржоникидзе районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг колхозчиси.

Сарсенбоева Зувайда — Бўка районидаги Мичурин номли колхознинг колхозчиси.

Субҳонов Қурбон — «Узсельхозтехника» районлараро бирлашмасининг ишчиси, Калинин райони.

Тожибоева Орзиҳол — Бекобод районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг ишчиси.

Тожибоева Холбу — Янгийўл районидаги Партия XXI съезди номли колхознинг колхозчиси.

Тоирхонова Муяссархон — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Тошматов Раҳмон — Бўстонлиқ районидаги «Хожикент» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

Тошмуродов Раҳим — меҳнаткашлар депутатлари Пушкин номли қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, Бекобод райони.

Тен Николай Васильевич — Тошкент қишлоқ хўжалик институти Киров номли ўқув-хўжалигининг бош инженери, Урта Чирчиқ райони.

Тошматов Турғун — «Узсельхозтехника» Пискент район бирлашмасининг монтажчилар бригадири.

Тўйчиева Манзалат — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозининг ишчиси.

Тўлаганова Каошигул — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг колхозчиси.

Тўлаева Ривоят Асқаровна — Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг колхозчиси.

Тулепбергенова Урбигул — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхознинг ишчиси.

Убайдуллаева Санобар — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг колхозчиси.

Умурзоқова Улар — Оҳангарон районидаги от заводининг отбоқари.

Усарова Робия — Бўка районидаги Партия XX съезди номли колхознинг колхозчиси.

Усмонова Расмигул — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг сут соғувчиси.

Утегенов Қистовбой — суғориш системалари Урта Чирчиқ район бошқармасининг гидроинщоот назоратчиси.

Хабибулин Гайс — Урта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Ҳантова Сотқиной — Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг колхозчиси.

Хайбулина Венера Муҳаметьевна — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг сут соғувчиси.

Ҳайдаров Анвар — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз бош агрономи.

Ҳантоева Юлдуз — Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Ҳантқулов Мўмин — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг бригадири.

Ҳолиқов Абдумажид Жўрабоевич — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз рансининг ўринбосари.

Ҳолиқов Ирис — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг звено бошлиғи.

Ҳошимов Асатулла — чорвачилик илмий-текшириш институти «Красний водопод» тажриба базасининг уруғчилик агрономи, Оржоникидзе райони.

Хван Нина — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг колхозчиси.

Хўжаев Мўмин — Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхозининг бригадири.

Холмуродова Бувиҳалима — Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Худойбердиева Турғуной — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг сут соғувчиси.

Худоёров Ҳамза — Бўка районидаги А. Икромов номли колхозининг колхозчиси.

Эргашев Турғун — Пискент районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг механизатори.

Эюбов Илёс — суғориш системалари Чиноз район бошқармасининг участка гидротехниги.

Юн Михаил Самсонович — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг бош инженер-ирригатори.

Юнусова Машкура — Калинин районидаги Калинин номли колхознинг колхозчиси.

Юсупова Жуман — Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ишчиси.

Юсупов Мирахмеджон — Калинин районидаги «Тошкент» совхозининнг ишчиси.

Юсупов Шокир — Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг бригадири.

Юсупова Таъзима — Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг колхозчиси.

«МЕҲНАТДА УРНАК КУРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдулина Назира Минулаевна — Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг ишчиси.

Абдурахмонова Хайри — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг колхозчиси.

Абдуҳолиқов Абдуназар — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Обитов Анвар — меҳнаткашлар депутатлари Урта Чирчиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Аблямитова Ревид — «Узбекгидроэнергострой» трести ёрдамчи хўжалигининг ишчиси, Бўстонлиқ райони.

Акромова Раъно — Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг колхозчиси.

Алиева София — касаба союзлар курортларини бошқариш республика Совети ёрдамчи хўжалигининг ишчиси, Оржоникидзе райони.

Алмонов Турсинбой — Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг бош агрономи.

Алметов Раимжон — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхозининг звено бошлиғи.

Ан Елизавета — Урта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг сут соғувчиси.

Басаргина Валентина Афанасьевна — суғориш системалари Бўстонлиқ район бошқармаси Ғазалкент участкасининг сув ўлчовчиси.

Ботирхонов Исмоил — Калинин районидаги «Ленинград» совхозининг бригадири.

Баётов Қаноат — Бўка районидаги «Ленинобод» колхози рансининг ўринбосари.

Белоусова Анна Ефимовна — суғориш системалари Оққўрғон район бошқармасининг сув ўлчовчиси.

Бердимуротов Ботирхўжа — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз боғ зоотехниги.

Бердиқулов Туртой — суғориш системалари Оржоникидзе район бошқармасининг техниги.

Бўтаев Маҳмуджон — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз агрономи.

Воропаева Лидия Михайловна — Оржоникидзе районидаги бўрдоқичилик пунктининг ишчиси.

Галямова Соня — Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхознинг сут соғувчиси.

Ғаниева Ҳалима — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхознинг ишчиси.

Гасанов Ализар Ҳайдарович — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг тракторчиси.

Гизатулина Эмине — Чиноз районидаги Киров номли колхознинг сут соғувчиси.

Гиляев Зинур Галламович — меҳнаткашлар депутатлари Урта Чирчиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Гулметов Абдурасил — Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхозининг тракторчиси.

Давлатов Эркин — Чиноз районидаги «Узбекистон ССР 30 йиллиги» номли колхоз партия комитетининг секретари.

Деревянко Константин Иванович — «Узсельхозтехника» Чиноз район бирлашмасининг инженери.

Жабборов Неъмат Шокирович Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози партия комитетининг секретари.

Етибоев Эргашбой — Бутениттифоқ пахтачилик илмий текшириш институти тажриба базасининг бригадири, Оржоникидзе райони.

Жуманов Карим — «Узсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмасининг шофери.

Жўраев Абдували — Оҳангарон район от заводининг бригадири.

Жўраева Мукар — Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг колхозчиси.

Дилмуҳамедова Зубазат Саидгалимовна — Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг сут соғувчиси.

Жуманазарова Куфан — Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхоз бригадири.

(Давоми бор).

БЕБАҲО ДАҚИҚАЛАР

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ ВАХТАСИДА

«Бугунги илғор ишчи — чуқур билимли, дунёқараши кенг, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўладиган кишидир. У ишлаб чиқаришнинг хўжайини сифатида, жамиятимизда содир бўлаётган ҳамма нарсага жавобгар шахс сифатида ўзини ҳис этади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

«Ташкенткабель» заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш суръати бўйича республикамиздаги кўпгина саноат корхоналарини ортда қолдирмоқда. Тўқкизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида, ишчи кучи кўпайтирилмаган ҳолда, ишлаб чиқариш унумдорлиги пландаги 23,9 процент ўрнига 30 процент ошди.

Агар 1970 йилда ҳар бир ишчи бир минутда 37 тийинлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1974 йилда бу рақам 48 тийинга етди. Бугунги кунда бутун завод коллективи ҳар бир минутда 400 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришаётир. Бу бебаҳо дақиқалар соат ва кунларга, ҳафта ва ойларга айланиб, республикамиз экономикасининг мустаҳкам пойдеворига қудратли куч бўлиб қўшилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ортиб бориши билан бирга унинг турлари ҳам кўпайиб боряпти. Коллектив ҳар йили ўрта ҳисобда олти хил янги кабель турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш учун кураш жараёнида сифат масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Корхонанинг доимий мижозлари бўлган бир қатор хорижий мамлакатлардан миннатдорчилик мактублари келиб турипти. Ҳозир 22 хил кабель маҳсулотлари Давлат сифат белгиси билан реализация қилинаётир.

Яқинда заводда янги хушхабар тарқалди. Коллектив белгиловчи йилда юксак меҳнат кўрсаткичига эришиб, Бутениттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини қўлга киритди.

Бу улкан ютуқларнинг асосий манбаларидан бири коллектив аъзолари орасида иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш ҳаракатининг кенг авж олдирилганлигидир.

План-иқтисод бўлимининг бошлиғи Олег Павлович Семин бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида шундай дейилади: «Меҳнат унумдорлигини янада ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Меҳнат унумдорлигини атиги бир процент ошириш саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришини йилига салкам 5 миллиард сўмлик кўпайтириш имконини беради. Бу йил саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 86 процентини шу омил ҳисобига қўлга киритиш мўлжалланмоқда». Ҳақиқатан ҳам бу рақам жуда салмоқлидир.

Заводимиз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия ва ҳукуматимиз тақдирлаган ўзиб ишлаётганлар ташаббуси билан муқобил план асосида меҳнат қилаётир. Якунловчи йил планини барвақт бажариш ҳисобига планга қўшимча 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Дақиқалар қадрига етаётган илғор корхона ишчилари бу йил меҳнат унумдорлигини 9 процент юксалтириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

А. ИЎЛДОШЕВ.

БИР МИНУТНИНГ ҚИЙМАТИ

Тайёр маҳсулотларни вагонларга ортиб жўнатиш ҳам тўла механизациялаштирилган. Оғир қўл меҳнатидан халос бўлган ўнлаб ишчилар энди бошқа фойдали юмуш билан машғул бўлмоқдалар. Шу каби қатор янгиликларни жорий этиш натижасида заводимизда ёрдамчи ишларни механизациялаш даражаси 48,3 процентга, асосий ишларни механизациялаш даражаси эса 82,5 процентга етди.

Коллектив аъзолари орасида иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳаракатининг кенг авж олдирилганлиги ҳам катта самаралар бераяпти. Вақтбай усулида ишлаётган 1050 киши меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича шахсий планига эга. Бугунги кунгача 623 киши меҳнат унумдорлиги бўйича беш йилликка мўлжалланган даражага эришди. В. Назаров, Н. Блинова, В. Лазарев, Е. Рачкова, В. Вастриков, Б. Шалимовлар сингари тажрибали ишчилар эса бу маррани уч-уч ярим йилдаёқ эгаллашга муваффақ бўлдилар. Улар орттирган бой тажриба дастгоҳ ва агрегатларни мустаҳкам бошқаришга ўтаётган кўплаб ёш ишчиларимизга маҳорат мактаби вазифасини ўтаётир.

Олег Павлович узлуксиз вулканизация агрегатини бошқарувчи Василий Назаровнинг тажриба мактаби ҳақида, айниқса тўлқинланиб гапирди. Ишчилар уни «вақт танобини тортиш бўйича академик», деб ҳазил-мутойиба қилишар экан. Фидокор ишчининг фаолиятига берилган бу юксак баҳо бежиз эмас, албатта. У бажарадиган ҳар бир операция, иш вақтининг ҳар бир дақиқаси аниқ ҳисобда. Зиммасига юкланган талайгина жамоатчилик ишларига ҳам вақт топади. У завод партия ташкилотининг ёш коммунистларни тарбиялаш группасининг аъзоси, реконструкция қилиш ва янги техника ҳамда илғор технологияни жорий этиш комиссияси раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси сифатида актив фаолият кўрсатади. Шунга қарамай шахсий беш йиллик планини уч йилу икки ойда бажариб қўйди. Унинг шу кунгача ишлаб чиқарган кабелининг узунлиги 32 минг километрдан ошиб кетди.

В. Назаров бундай тезкорликка жисмоний куч сарфлаш ҳисобига эмас, балки ақл-идрок билан, ёрдамчи ва асосий иш жараёнларини оқилона ташкил этиш ҳисобига эришаётир. Ўз тажрибаси ҳақида у шундай ҳикоя қилади:

— Каротаж кабеллари цехига ишга келганимга ўн етти йилдан ошди. Ўшандан бери менинг иш куним сменага 20—30 минут вақт қолганда бошланади. Биринчи навбатда бугун қайси маҳсулот турини тайёрлашга қараб, асбоб-ускуналарни танлайман ва жойжойига қўяман. Кейин агрегатга сим узатувчи барабанни алмаштириш керак. Бу операция 5-6 минутга мўлжалланган. Лекин мен бу ишдан олдин агрегатни ишга туширраман. У қизиб, резина эритма ҳолига келгунча, 2-2,5 минут вақт ўтади. Шунгача барабанни алмаштиришга улгураман. Агар бу иш бир минутга кечикса ҳам, эритма ҳолидаги резина қуйиб кетади. Агрегатни тозалаб, операцияни қайтадан бошлагунча эса, вақт кутиб турмайди. Демак, запасдаги 20—30 минутдан ташқари яна ярим соат соф иш вақти беҳуда ўтади.

Тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳажми ва турига қараб смена давомида агрегат 3 ёки 4 марта қайта заправка қилинади. Ҳар сафар барабанни алмаштиришда бир минутдан кечикса, бу жуда катта зарар келтиради. Чунки шу бир минутнинг қиммати корхона учун 57 сўм 60 тийинга тушади.

Ҳозир ҳар сменада икки соат иш вақтини тежашга улгурмоқдаман. Шогирдларимга ҳам биринчи галда вақтни тежаш сирларини ўргатаман. Қобилиятлироқлари бунга тез ўзлаштириб олишади. Аслида қобилият — қунт-сабот маҳсулидир. Ана шу хусуниятларни ўзида мужассамлантирган шогирдларим ҳозир мусобақада мен билан тенгма-тенг рақобат қилишаётир. Улуғбек Муҳаммадхўжаев, Виктор Гаганов, Анатолий Шушанов, Александр Поляков ва Владимир Степаненколар шахсий беш йиллик планларини муддатидан анча илгари бажариб, «Олтин қўлли уста» унвонига эга бўлдилар.

Мен зарбдор меҳнат эстафетасини умидли ёшлар қўлига топшираётган тажрибали шогирдларим номларини тилга олдим, холос. Улардан ташқари яна ўнлаб шогирдларим борки, улар ҳам иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш ҳаракатининг олдинги сафида бормоқдалар.

Корхона коллективи бу йил вақтдан ўзиб ишлаётганлар ташаббуси билан муқобил план асосида меҳнат қилаётир. Якунловчи йил планини барвақт бажариш ҳисобига планга қўшимча 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Дақиқалар қадрига етаётган илғор корхона ишчилари бу йил меҳнат унумдорлигини 9 процент юксалтириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

А. ИЎЛДОШЕВ.

КООПЕРАТОРЛАР КЕНГАШИ

Шу йилнинг 11 март куни область кооператорлари навбатдаги кенгашга тўпланишди. Кенгашга барча районлар партия, ва совет раҳбар органларидан вакиллар ҳам таклиф қилинди.

Кооператорлар советининг кенгайтирилган мажлисида «Область матлубот жамияти правлениесининг 1974 йилги иши юзасидан ҳисобот ва СССР матлубот кооперацияси вакилларининг IX съезди қарорларини бажариш бўйича область кооператорларининг вазифалари» тўғрисида правление раиси З. Г. Хўжаев доклад қилди.

Область кооператорлари — деди у,— ўтган йили барча хўжалик ва молиявий кўрсаткичлар бўйича йиллик план ҳамда мажбуриятларни ошириб бажаришди. Чакана товар обороти 100,7 процент адо этилди ва 1973 йилдагига нисбатан 32,2 миллион сўмга ёки 8,3 процентга ўсди. Умумий овқатланиш корхоналари бўйича ҳам план ва мажбуриятларни бажаришда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

Оҳангарон, Калинин, Янгийўл, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Бекобод, Бўка, Чиноз районларининг кооператорлари план ва мажбуриятларни бажариб, мураббийлик йўли билан кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, савдонинг энг илғор форма ва методларидан, технологик усуллардан кенг қўлланишга алоҳида эътибор беришди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида область тайёрлов ходимларининг алоҳида масъулият сезиб ишлаганликларини қайд этиш лозим. Бу соҳадаги план анча ортиғи билан бажарилди. Урта Чирчиқ, Оржоникидзе районларининг тайёрлов ходимлари бу борада социалистик мусобақа пешқадамлари бўлдилар. Қатор районларда план ва мажбуриятдагидан ҳам кўп сабзавот, картошка, мева, хом ашё тайёрланиши натижасида область тайёрлов ходимлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, Иттифоқимизнинг қатор пойтахт шаҳарлари, Ураль ва Сибирь зоналаридаги айрим районларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшдилар.

Кейинги йиллар ичида областда умумий овқатланиш корхонаси, нинг иши анча яхшиланди. Уларда тайёрланаётган таомлар сифатини яхшилаш, хўрандаларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан қатор тадбирлар бажарилди. Баъзи районларда янги ресторанлар, кафелар, ошхоналар ишга тушди, мавжудлари реконструкция қилиниб, хизмат кўрсатишга қулайлаштирилди. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир мунча кўпайди.

Қишлоқда савдо ва умумий овқатланиш кўламини кенгайтириш учун ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилди. Ўтган йили ҳажми 2,4 квадрат метр майдонни ташкил этадиган 20 та савдо объекти, 185 ўринли 10 та умумий овқатланиш корхонаси, 6,8 минг тонна маҳсулот сақлаш имконини берадиган 9 та тайёрлов корхоналари ишга туширилди.

Ҳисобот даври ичида матлубот кооперациясининг молиявий аҳволи анча яхшиланди. Пландан ташқари 283 минг сўм фойда олишга эришилди. Худди шу давр мобайнида кадрлар танлаш, уларни жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Область кооператорлари сафида ишлаётганлар сони орасида юқори маълумотлилар 111, ўрта маълумотлилар 270 кишига кўпайди. Ҳозирги пайтда область кооперацияси 247 минг кишини ўз сафига бирлаштириб турибди.

Албатта, бу кўрсаткичлар область матлубот жамияти ишида камчиликлар йўқ деган хулосага олиб келмайди. 1974 йилда Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ районлари белгиланган планларни бажара олмадилар. Қатор савдо ташкилотлари ўзлари учун ажратилган товарларни вақтида ташиб олиш, товар оборот планини бажаришга етарли аҳамият бермаяптилар. Харидорлар ҳақига ҳиёнат қилиш, уларга қўпол муомалада бўлиш, камёб товарларни беркитиб қўйиш каби хунук ҳоллар рўй беряптики, бундай камчиликларни савдо ташкилотлари зудлик билан бартараф этишлари лозим.

Умумий овқатланиш корхоналари ишидаги нуқсонлар ҳам ташвишлантиради. Корхоналарнинг аксарият қисми таомлар сифатини пасайтириб юбормоқда. Сабзавот, балиқ ва сут маҳсулотларидан таомлар тайёрлашга эътибор берилмаётир. Мактаблар, саноат корхоналарида буфетларнинг нормал ишлаши, ошхоналар майдонининг кенгайтирилиши ҳақида гамхўрлик қилинмаяпти. Давлат мулкини талон-тарож қилаётган, камоматга йўл қўяётган савдо ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Аҳолининг сабзавотга, картошка, мева ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб бораётганлигига қарамай, қатор районларнинг тайёрлов ходимлари аҳолидан ва умуман хўжаликлардан ортиқча маҳсулотларни сотиб олиб, реализация қилишни яхши ташкил этмаётирлар.

Бир неча районларда кадрларни танлаш ва уларни мутахассислигига қараб жойлаштиришга аҳамият берилмаяпти.

Кейинги йиллар ичида область матлубот кооперацияси сафида ўзининг кўп йиллик хизмати, хулқи ва харидорларга бўлган муносабати билан ҳурмат қозонган, партия ва ҳукуматимизнинг муқофотига сазовор бўлган савдо ходимлари анчагина кўпайди. Янгийўл районидаги «Қовунчи» ишчи кооперациясининг магазин мудири Манзура Рихсибоева, Оққўрғон районидаги «Октябрь» қишлоқ матлубот жамиятининг магазин мудири С. Абдуқуддусов, «Спецкоопторг» катта ошпази А. Прокофьева, Бўстонлиқ район матлубот жамиятининг тайёрлов ходими О. Ўрмонов, Оржоникидзе район матлубот жамиятининг раиси Т. Раҳматуллаева, Бўка район матлубот жамияти планлаштириш бўлимининг бошлиғи М. Сергеева ўртоқлар шулар жумласидандир. Аммо, негадир ана шундай илғор савдо ходимларининг тажрибалари бошқа районларда оммалаштирилмаётир.

Кооператорлар кенгашида Тошкент область матлубот Союзининг 1975 йил 1 январгача бўлган баланси ва 1974 йил фойдасининг тақсимоти тўғрисида Р. Г. Сагиров, тафтиш комиссиясининг баланс бўйича хулосаси тўғрисида Х. Шермуҳамедов, Тошкент область матлубот союзининг Уставига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида А. В. Ли ўртоқларнинг ҳам докладлари тингланди.

Юқоридаги докладлар юзасидан сўзга чиққан Оржоникидзе район матлубот жамияти правлениесининг раиси Х. Раҳматуллаева, Оққўрғон район матлубот жамияти тайёрлов конторасининг директори Қурбонов, Юқори Чирчиқ район нон маҳсулотлари комбинатининг директори Романченко, Бўстонлиқ район матлубот жамияти правлениесининг раиси У. Мирапов, область Давлат банки конторасининг бошқармасининг бошлиғи Ш. Зоҳидов ва бошқа ўртоқлар қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилишни янада яхшилаш масалалари тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудири И. К. Хуснуддинов, «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг биринчи ўринбосари В. К. Доленко, область ижроия комитетининг раиси ўринбосари И. И. Маматисаев, область партия комитетининг бўлим мудири Ж. М. Маликов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Акрамов ўртоқлар иштирок этдилар.

Матлубот кооперациясининг кенгашида область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский нутқ сўзлади.

Кенгаш кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ДИЁР СОҲИБ ҚАЛАМИ

АТОҚЛИ ЁЗУВЧИ НАЗИР САФАРОВ 70 ЁШГА ТЎЛДИ

Назир Сафаров катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ижод соҳиби. У «Уйғониш», «Шарқ тонги», «Тарих тилга кирди» асарларини ёзиб, ўзбек адабиётида драматик эпопеяни яратди, очеркист сифатида эса, ўз сафдошларининг олдинги сафида бўлди.

Назир ака очеркист сифатида, сўнгсиз ва теран денгизнинг ажойиб жавоҳирларини топувчи моҳир сузувчини эслатади. У катта ҳаёт бағрини жасорат билан разведка қилади, муҳим проблематик масалаларни кўтариб чиқади. Уларни ижобий ҳал қилиш учун, ҳаётда кенг томир отиши учун фаол курашади. Бунинг оғирлиги ҳам, қувончи ҳам бор, албатта. У Турсуной Оҳуновнинг жасорати ҳақида очерк ёзганида, унга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Еки Назир аканинг назарига тушганига қадар Олтиной Очиловани ўз қишлоғидан ташқарида ҳеч ким танимас эди.

Пахтани қўл билан теришнинг бутун оғирлиги кўпинча хотин-қизлар елкасида бўлган. Техника афзалликлари кенг эътироф этилмаган мураккаб бир пайтда Турсуной янги «қўриқ» очиш ва уни ўзлаштиришга илк бор интилганлардан бири бўлди. Назир Сафаров ҳаётидаги бундай янги куртакларни ардоқлади, унинг ғунча очиб, ўсишига ёрдамлашди ва бундай ажойиб ташаббуснинг кенг қулоч отиши учун жонбозлик кўрсатди. Кейинчалик Турсуной Оҳунова «зангори кема» капитанлари бўлган хотин-қизларимизнинг «она бошқ»си сифатида кенг шуҳрат топди. Назир Сафаров эса ўз қаҳрамони ҳақидаги ижодий ишини муттасил давом эттириб борди. «Турсуной» очерки асосида «Узоқни кўзлаган қиз» (1961) номли воқеий қиссасини яратди. Яна бир мисол: очеркистнинг «Олияхон Султонова» (1953) асарининг қаҳрамони ҳам пилла-чилар карвонбошиси. Унинг шоир Уйғун билан ҳамкорликда ёзган «Зулайҳо» (1963) асари ўзбек совет адабиётидаги очеркларнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. Назир Сафаровнинг очеркист сифатида бадиий кашф қилган қаҳрамонлари кўп: Ҳадича Аҳророва, Шафоат Баракаева, Олтиной Очилова, Пардаой Азизова, Юлдуз, Маъсуда, Аҳмадали, Боис Эргашев, Меликўзи, Нарзи, Низомиддин...

Ниҳоят, адиб ҳаётий бой ижобий тажриба асосида «Кўрган-кечирганларим»ни ёзишга киришди. Бу ўринда улкан санъаткор С. Айнийнинг бир гапини эслаб ўтиш мақсадга муворфиқ: «Менинг фикримча, эсдалик ёзиш роман ва ҳикоялар ёзишдан қийинроқ бўлгани учун бу ишни кўпроқ тажриба олгунимга қадар қолдирган эдим. Чунки одам ўтган турмушини реал тарзда ўрганмагунча ҳозирги турмушнинг — социалистик турмушнинг қимматини етарли даражада тасаввур қила олмайди шунингдек то одам совет турмушини етарли даражада ўрганиб-ўзлаштириб, унинг адабиётида катта тажриба ҳосил қилмаса, ҳозирги нуқтаи назардан ўтган турмушни реал ва тўла тасвир қила олмайди. Маълумки, ҳар бир ишда одамнинг тажрибаси умрининг сўнгида такомиллашади ҳамда вояга етади».

Бошидан кечирган катта ҳаётий йўл ва тўпланган бой ижодий тажриба асосида Ойбек, А. Қаҳҳорнинг автобиографик асарлари сингари Н. Сафаровнинг ҳам «Кўрган-кечирганларим» повести вужудга келди. Хотираларнинг тиниқлиги, кузатишнинг нозик ва ўткирлиги, ҳаётий ва ижодий тажриба асосида бойиб, кенгайиб ва чуқурлашиб борган бадиий тафаккур ёшлик давридаги хилма-хил турмуш картиналарини реал ва тўлиқ гавдалантириш учун кенг имкон беради. Бу — автобиографик жанрдаги асарлар учун зарур хусусиятлардан биридир. Яна бири — унда акс этган ва баён қилинган воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонларнинг реал тарихий бўлишидир. Авторнинг ўзи эса асосан уларнинг иштирокчиси ва гувоҳи сифатида намоён бўлади. Бу типдаги асарларда автор ўзи ҳақида, фаол интилиши хусусида ҳам гапириш зарурияти келиб чиқади. Қисқаси, автобиографик жанрдаги асарларни яратишнинг бундай мушкулот ва мураккабликлари кўп.

Асарда Жиззах воҳасидаги 1916 йилги халқ қўзғолони ва бу улкан воқеанинг рўй бериш сабаблари, бу ҳаракатга раҳбарлик қилган қаҳрамонлар фаолияти анча кенг берилади. Воқеаларни ва қаҳрамонлар интилишини акс эттириш ва талқин қилишда Н. Сафаровнинг моҳир очеркистлиги ва драматурглиги қўл келади. Оммавий ҳаракатларни тасвирлашда ва қаҳрамонларнинг жиддий тўқнашувларини беришда Н. Сафаров кўпроқ драматург сифатида кўринади. Қаҳрамонларнинг ўзига хос интилишларини баён этишда, уларнинг ҳар бирига махсус эътибор беришда, портретларини чизишда очеркист сифатида намоён бўлади. Худди шу тарзда «Кўрган-кечирганларим» асарида кескин драматизм билан жўшқин публицистик руҳ бўртиб туради. Бу хусусиятлар ёзувчининг янги асари — «Наврўз»да янада кучли сезилади.

Назир Сафаровнинг «Наврўз» романи (1973) «Кўрган-кечирганларим» асарининг давоми сифатида пайдо бўлди. Умуман, Н. Сафаров ижодида Жиззах қўзғолони катта ўрин тутади. Бу ўринда Жиззах миллий-озодлик ҳаракатининг 15 йиллиги муносабати билан ёзилган ва 1932 йили чоп этилган «Унутилмас кунлар» номли хотиралар китобини эсласак кифоя. Жиззах туманидаги 1916 йил воқеалари ҳақида «Уйғониш» драмасини 1933 йилда ёзиб битиради. Бу асар 1938 йилда чоп этилди. «Унутилмас кунлар», «Уйғониш» асарларидаги айрим образ ва қаҳрамонлар «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз»да ҳам намоён бўлади. «Унутилмас кунлар»даги Мирзаёр мингбоши «Уйғониш»да Мадёр мингбоши, «Кўрган-кечирганларим»да яна Мирзаёр мингбоши сифатида берилади. Еки «Унутилмас кунлар»даги Дамин кулолнинг жасорати ва Мирзаёрнинг боғиига тош билан уриши «Кўрган кечирганларим»да ҳам деярли худди шу тарзда кўрсатилган. «Уйғониш» драмасидаги Жайноқ, Қудрат, Алексей, Содиқ, Маҳкам каби қаҳрамонлар «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз»да ҳам кўринади ва талқин этилади.

Тўғри, Назир Сафаров ўз қаҳрамонларига кейинги асарларида сайқал бериб боради ва интилишларини янада кенгроқ кўрсатиб, характерларининг янги-янги қирраларини очади. Бу ҳол Алексей ва унинг онаси Мария Александрова билан Назирқулнинг отаси ва онаси ўртасидаги самимий муносабатларда ҳам намоён бўлади. Алексей «Уйғониш»да жанговор большевик сифатида берилган ва муваффақиятли чиққан образлардан бири эди. Лекин, унинг бу ўлкага қандай келиб қолиш ва революционер бўлиши сабаблари, шахсий турмуши тафсилоти билан кўрсатилмаган эди, чунки драма жанри бунга кенг имкон бермасди. Ёзувчи «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз»да асарларида бунга алоҳида эътибор берди ва Мария Александрова образи орқали Алексейнинг бу ўлкага келиши сабаблари ва инқилобий ҳаракатларини давом эттирганлиги кўрсатилди.

«Уйғониш»даги муваффақиятли чиққан Жайноқ образига ҳам ёзувчи «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз»да махсус ўрин берган. Драмада у исёнкор сифатида кўринган эди. «Кўрган-кечирганларим» асарида автор Жайноқни мардикорликка олиш масаласида мингбоши Мирзаёр ва миршаб Содиқ билан юзма-юз тўқнашувда кўрсатади ва омма орасида талқин қилади. «Наврўз» романи эса кўп йиллар мобайнида азоб-уқубатни бошидан кечирган, сарсон-саргардонликдан ўз она юртига қайтиб келган Жайноқ интилишлари тасвири билан бошланади. У романга онги ўсган, инқилобнинг маъносини кенг тушунган, Ленининг буюклигини чуқур англаган қаҳрамон сифатида кириб келади. Жайноқнинг кейинги фаол ҳаракати, буюк ғалабани мустаҳкамлаш йўлида интилишлари кўтаринки, романтик руҳда кўрсатилади.

Бу хилдаги талқин ва характерли мисолларни кўплаб келтириш мумкин «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» асарларининг сюжет йўналишида ҳам, композицион қурилишида ҳам авторнинг ўзи — Назирқул образи марказий ўринлардан бирини эгаллайди. У ҳар икки асарнинг бошидан охиригача ҳаракатда, янгилик сари интилишда тасвирланади. Унинг биографияси орқали давр руҳи берилади.

Шунинг учун автор Назирқулни меҳнаткаш халқнинг ўзига хос одатлари муҳитида, зулмга қарши уйғониши, кўтарилиши бағрида, унинг чексиз жабр-зулмга бардош бериши муҳитида, инқилобий ҳаракати ва ғалабаси қўйнида, илғор кишилар орасида талқин қилади. «Ўратепалик», «Равотлик», «Жиззахлик», «Совунгарлик», «Тошкентлик», «Оққўрғонлик», «Мўлкаллик», «Тоқчилик» каби жуда кўп маҳалла ва элатларга хос одатлар, турмуш йўсини, уларнинг муштарак ва фарқли томонлари анча кенг ҳамда аниқ-равшан кўрсатилади. Эркаклар орасидаги бўладиган гап-гаштаклар, наврўз сайлига кўтарилишлар, хотин-қизларнинг ёр-ёр айтишлари, шўх ялласи, қисқаси, уларнинг кўтаринки кайфиятлари романтик бўёқларда бўрттириб берилади. Йигитлар орасида гап-гаштакдаги бўладиган кўтаринки кайфиятлар мардикор олишга қарши чиқиш воқеалари билан боғланиб кетади.

Қисқаси, «Кўрган кечирганларим» ва «Наврўз» каби асарларида автор эски ҳаётнинг даҳшатли ва мудҳиш жиҳатларини сатирик планда, меҳнаткаш халқ ва унинг илғор вакиллари жасоратини, инқилобий характерини, янги турмуш ижодкорлари фаоллигини реалистик руҳда акс эттиради.

Ўзбек совет адабиётида тўла маънода автобиографик жанрнинг туғилиши ва камолотида Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор каби Назир Сафаровнинг ҳам хизмати катта бўлди. Шу маънода у адабиётимизда янги жанрнинг асосчиларидан ва камолотини таъмин этганлардан бири.

Адиб халққа манзур бўладиган ажойиб асарлар яратиш истаги билан яшаяпти ва фаол ижод қилаяпти. «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз»нинг давоми, яъни учинчи китоби тезроқ вужудга келишини орзу қиламиз. Шу тарзда ўзбек адабиётида ҳам, автобиографик жанрдаги асарларнинг трилогияси яратилган бўлади. Ижодий уфқлардан янги, юксак уфқлар сари!

Анқобой ҚУЛЖОНОВ,
Филология фанлари кандидати, доцент.

М. НОРМАТОВ,
филология фанлари кандидати.

ДАВРГА ҲАМНАФАС

НАЗИР САФАРОВ ички ва ташқи душманларга қарши курашда халқимиз жасоратини қаламга олиб келаётган адиб ва драматург. Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театримиз коллективи 30-йилларда саҳналаштирган «Тарих тилга кирди», «Уйғониш», «Шарқ тонги» каби драматик асарлари, ўзбек кино санъатида муҳим воқеа бўлган «Осиё устида бўрон» фильмининг сценарийси ва ниҳоят «Кўрган-кечирганларим» автобиографик повести-ю, кейинги драматик асари «Лукаш ботир» ҳам фикримиз далилидир.

...Газеталарда Мунаввар қорининг ғоявий қаноти остидаги қосимовчилар ҳаракати фош этилаётган, бутун халқ бундан кўз-қулоқ бўлиб турган кунлар эди. Назир Сафаров театримизга Зиё Саид билан ҳамкорликда ёзилган «Тарих тилга кирди» драмасини олиб келди. Бу шунчалик давргa ҳамнафас, ҳозиржавоб бир асар эдики, томошабинлар қўлларида қосимовчиларни қораловчи газеталар билан ҳатто, баъзан суд залидан тўппа-тўғри театримизга кириб келардилар. Газетада қосимовчиларнинг сиёсий айбномасини ўқиб, судда чин башараларини кўрган томошабин театрда бадиий юксак яратилган, тарихан ҳаққоний образлари билан танишар, тарих ва халқ ҳукмини тинглар эди.

Орадан 40 йилдан знёдроқ вақт ўтгач, кунн-кеча театримизда бўлиб ўтган, Улуғ ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган «Лукаш ботир» спектакли премьерасида Назир Сафаровнинг 70 ёшида ҳам замон билан ҳамнафас эканлиги, ҳаётийлик асарларининг қон томирига айланганини кўриб хушнуд бўлдик. Лукаш ботирнинг ҳаётий шахслиги, пьеса халқ орасида юриб ёзилаётганини билар эдик. Аммо спектакль премьерасида асар бош қаҳрамонининг прототипи бўлмиш асл Лукаш ботир—Лукмон Ўроқовнинг иштирок этиши биз, театр аҳли ва томошабин учун ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди.

«Тарих тилга кирди» драмасини ўз даврида устод санъаткор Етим Бобожон саҳналаштирган эди. Рутубат ва қоронғулик, саҳна ўртасида каттакон қурён ва маузер... Тобора ўтмишга айланиб бораётган давр ана шундай қабариқ ва рамзий деталлар орқали ифодаланар эди спектаклда. Бош ролларда атоқли актёрлар Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Лутфулла Назруллаевлар саҳнага чиққан эдилар. Мен Бадрий афанди ролини ўйнар эдим. Бунгача ҳам бир қанча ролларни ижро этган эдим. Пьесанинг охирги пардасида «Кўр кўзнинг очилиши» деб атаганим монолог пайтида бутун зал оёққа туриб алқар, менинг кўзларимда ёш қалқар эди. Хуллас, 60-йиллардаги унутилмас ролим «Қирол Лир» спектаклидаги Масхара образи бўлса, 30-йиллар ижодий фаолиятимдаги бундай нуқта Бадрий афанди образидир.

«Тарих тилга кирди» асари бугунги кунда талантли режиссёр Баҳодир Йўлдошев ҳамда театрнинг ёш актёрлари кучи билан замонавий талқинини топди. Яздон Худойқулов билан ҳамкорликда ёзилган янги «Лукаш ботир» пьесасининг спектаклини ҳам халқ яхши кутиб олди.

Назир Сафаров устод санъаткорлар Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон ва Уйғунлар қаторида отахон режиссёрларимиз Маннон Уйғур ҳамда Етим Бобожон билан ҳамкорлик қилиб келган. Саҳна санъатини пухта эгаллаган моҳир драматург, халқнинг дилидагини тилга чиқариб келаётган қадрдон адибимиз Назир Сафаровга доимий навқиронлик тилайман.

Саъдихон ТАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

СЕРҚИРРА ИЖОД

Ёзувчи Назир Сафаров ўз қаҳрамонлари, китобхонлари ҳузурига тез-тез бориб туради, улар билан узоқ-узоқ суҳбатлашади, уларнинг шодлигига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлади.

Адиб ҳамиша ўз қаҳрамонларига, ҳамкасбларига мактублар ёзади, янги чиққан китобларидан юборади. Улардан жавоб мактублари олганида ёш боладек қувонади, қадрдонлари билан кўришиб турғандек, улар билан дийдорлашаётгандек тўлқинланади. Бу мактублар Назир акани янгиянги қаҳрамонлар билан учрашувларга чорлайди, яна сафарга — йўлга отлантиради...

Мактублар, табриклар, қутловлар... Севимли адибимиз республикамизнинг кўпгина областларидан, шаҳар ва қишлоқларидан, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан хилма-хил номалар олиб туради. Ҳамкасб ижодкорлар, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, қисса ва очеркларнинг қаҳрамонлари, китобхонлар ёзишади. Бундай номалар, биринчидан, адибга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни ифодалайди. Иккинчидан, ёзувчининг тиниб-тинчимаслигидан, Ватан учун, халқ учун хизмат қилган қаҳрамонларни рўёбга чиқариш, бадиият кўзгусида акс эттириш, элга танитишга ҳамиша камарбаста эканлигидан далолат беради. Бундай номалар Назир Сафаров қаламининг сеҳри йироқ-йироқлардаги мухлисларни ҳам ром этаётганлигини, адиб эришаётган муваффақиятлар қардош республикалардаги ҳамкасбларини ҳам хурсанд қилаётганлигини кўрсатади.

Таниқли болалар ёзувчиси, Н. К. Крупская номидаги РСФСР Давлат мукофоти лауреати Мария Прилежаева ўзбек адибининг бир асари ҳақида қуйидаги мактубни йўллаган:

«Ҳурматли Назир Сафарович!

Мен Сиз билан бўлган учрашувдан ғоят хурсандман. Сизнинг «Кўрган-кечирганларим» номли китобингизни зўр миннатдорчилик ва қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Афсуски, мен шу пайтгача Сизнинг ижодингиздан мутлақо бехабар эдим. Мана энди китобингизни ўқиб, чинакамига роҳатландим, ўзимга нотаниш бўлган Жиззах шаҳрининг ҳаёти билан танишиб, чинакамига роҳатландим. Сиз ана шулар ҳақида истеъдод ва билимдонлик билан ёзгансиз! Назирқул исмли бола ҳам (Сиз ҳаётни унинг кўзи билан кўрсатиб бергансиз), болалигинг доно, сабрқаноатли, гўзал онаси ҳам, ўз фикрлари билан даҳрийликка борибетган қувноқ, шижоатли ва оқкўнгил Жайноқ амаки ҳам, қисқаси барча образлар шунчалик жонли ва ёрқин чизиб берилган!

Китобда раққосанинг роли ниҳоятда қисқа. Орзу-умидларга тўла гўзал сиймо, ижро этилган рақслар ва фожиавий ҳалокат — унинг ҳаётини шундай ифодалаш мумкин. Аммо шу кичик роль эсда қолади. китобхонни тўлқинлантиради, қалбни титратади... Кулгили ўринлар-чи! Бундай ўринлар шунчалик табиийки, китобнинг бошидан охиригача ўйлаб топилган, зўрама-зўраки кулгини учратиш мумкин эмас.

Қўзғолон кунларидаги ҳаёт манзаралари, чўлга ҳайдалган фуқаронинг турмуши, бўрондек қутурган қаҳатчилик кунлари ҳам асарда ёрқин ифодаланган. Исёнкор Муҳаммаднинг қатл этилиши лавҳаси чинакам маҳорат ва чуқур таъсирчанлик билан тасвирланган. Зўр қизиқиш билан ўзим ўқиган яна кўп ўринларни таъкидлаб ўтишим мумкин.

Менимча ҳар бир бобнинг якунланиши ҳам усталик билан ҳал этилган. Хуллас, янги, оригинал, жуда истеъдодли қалам соҳибини кашф этдим!

Асарнинг таржимаси, айрим — камдан-кам ўринларни мустасно этганда, назаримда тўла муваффақиятли чиққан.

Қувғин килинган исёнкорларнинг шаҳарга қайтганидан кейинги манзаралар тасвири менга унчалик ёқмади. Инқилоб тўғрисидаги гаплар менга янгича ифодаланмагандек туюлди. Балки, бу ҳақда қисқа ва лўнда гапириш керакмиди? Нимадир етишмай турганга ўхшайди.

Бола қалбининг ўсаборишы, унинг дунёни тушуниши, ҳиссиётлари, таассуротлари, унинг бутун ҳатти-ҳаракатини фақат «яхши», «яхши» сўзлари билан баҳолаш мумкин!

... Китобингизни уста таржимонимиз Ясир Шамсиддинов татарчага агдармоқда. Заки Нуриийнинг айтишича, у асарни журналда бостиради ва кейин нашриётда чоп эттиради. Бу иш, хуллас менинг кўнглимдагидай бўляпти. Шу сабабли олдиндан қўлингизни қисаман. Дўстларча эътиборингиз ва илтифотингиз учун ҳамда китобингиз учун кўп раҳматлар бўлсин. Қизгин салом билан,

Шайх МАННУР.
1970 йил, 15 март».

Маълумки, Улуғ Ватан уруши йилларида кўпгина ўзбек ёзувчи ва шоирлари қаторида Назир Сафаров ҳам фронтда бўлди. Уруш пайтида жангчи-ижодкор 60-гвардиячи пиёдалар дивизиясида фаолият кўрсатди. Шу сабабли уруш мавзуси, ватанпарварлик мавзуси адиб асарларининг яхлит бир бўлагини ташкил қилади. «Изларни излаб» сингари кўплаб очеркларнинг, «Лукаш ботир» каби ёрқин асарларнинг қаҳрамонлари ёзувчи томонидан ўйлаб топилган кишилар эмас. Улар — адибнинг юрагига яқин ватанпарварлар. Ватан тупроғи учун, эзгу эътиқодлар учун ўзларини қурбон қилишга тайёр турган фидойилар.

Назир Сафаров ана шу қутлуғ мавзуда анча-мунча асарлар яратиб қўйган. Севимли адиб бу мавзуда яна кўпгина асарлар ёзмоқчи. Шу боисдан янги қаҳрамонларни қидашда давом этяпти, уруш пайтида қадрдонлашиб қолган дўстлари билан ёзишмалар олиб борляпти.

Мана, ёзувчи номига келган мактублардан яна бири. Мактуб Украина ССРнинг Запорожье шаҳридан — адибнинг полкдош дўстидан келган.

«Муҳтарам Назир Сафаров!

Мактуб ёзганингиз учун, тўғрироғи, мактубимга жавоб берганингиз учун самимий ташаккур билдираман. Ушбу билан Сизга маълум қиламанки, ҳозир 60-гвардиячи пиёдалар дивизиясининг Ветеранлар совети тузилди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони, запасдаги генерал-майор Чайка Федор Васильевич раис, Балановский Григорий Дмитриевич масъул секретарь этиб сайландилар. Иккалалари ҳам Одессада яшайдилар. Дивизиямиз ветеранлари ўртоқ Балановский билан алоқа боғласалар яхши бўларди. Чунки у айни кунларда 60-дивизия ветеранларининг Харьков область Изюм шаҳрида ўтадиган учрашувига таклифномалар юборяпти. Сиздан ўтиниб сўрайманки, ўртоқ Балановскийга хат ёзиб, ўзингизни билдиринг. Ишонаманки, шу йилнинг 15, 16 ва 17 ноябрь кунларида Изюм шаҳрида Сиз билан учрашамиз.

Сиз ўз хатингизда дивизиямизнинг ишлари ҳақида ҳужжатли қисса яратиш ниятингиз борлигини ёзибсиз. Бу ниятингиз амалга ошса, Ветеранлар Советининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олиб бораётган ишларини йўлга қўйишда катта ёрдам берган бўлардингиз. Сизга самимий ҳурмат билан.

П. ЯРКОВ.
1974 йил, 24 октябрь».

Атоқли ёзувчимизнинг 70 ёшлик юбилейи яқинлашаётгани сайин унинг номига юборилаётган табрик ва таклифларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бундай номаларнинг муаллифлари — адибнинг мухлислари унга узоқ умр, баракали ижод тилайдилар.

— Халқ юрагини, халқнинг қаҳрамонлигини қаламга олиш бахти менга тинчлик бермайди, — дейди адиб. — Зотан, мен халқ ёзувчисиман. Халқ хизматига бир умр бел боғлаганман...

Ўз халқига, юртига бўлган муҳаббат ёзувчи қаламининг сеҳрига ҳамиша қувват беради. Адиб асарларининг жозибаси— қаламининг сеҳри эса, мухлис китобхонларнинг севимли ёзувчига бўлган меҳрини оширади.

Оқилжон ҲУСАНОВ.

ИЛҲОМ СЕҲРИ

Улуғ Ватан урушы йилларида бевосита фронт жангоҳларида иштирок этиб, жанг воқеалари ва жангчилар жасоратини ёритиб борган ўзбек журналистлари ҳам кўп бўлган. «Совет жангчиси» газетаси редакцияси коллективи ана шундай журналистларимиздан эди. Бу редакция коллективида атоқли ёзувчи ва драматургимиз Назир Сафаров ҳам иштирок этган.

Суратда: шу редакция коллективи. (Чапдан ўнгга) майор Сирож Нуриддинов, старшина Эргаш Бадалов, капитан Фахри Қамолов (редактор), старший лейтенант Назир Сафаров ва кичик лейтенант Абдулҳамид Муҳаммаджонов ўртоқлар.

НАЗИР САФАРОВГА

МУВАШШАҲ СОНЕТ

Ногаҳан олмадим қўлимга қалам,
Азалдан дилимда «Уйғониш» фасли.

Замон ботирлари қиссангизда жам,
Илҳом берди менга «Наврўз»нинг васли.

Ранг олган илҳомдан Сангзор жилоси,
Сангзорнинг сувини ичганман мен ҳам.

Армон билан кечган Жиззах воҳаси
Фарзандлар ўстирди юртда тенги кам,

Ахир ўзингиз ҳам мардумн Жиззах,
Розлашган Сиз билан Ҳамид Олимжон.

Одамлар қалбига улашиб фараҳ,
Ватан қучоғида қучолдингиз шон.

Гулбаҳор умрингиз гулласин қушод,
Абадий шон қучинг, меҳрибон устод!

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Нина Данильченконнинг Тошкент парфюмерия фабрикасига ишга келганига эндигина иккн йил бўлди, халос. Шу қисқа вақт ичида у турли хил атир-упалар, тиш пасталари ва порошоклари учун қоғоз қутичалар тайёрлаш касбини пухта эгаллаб олди. Суратда Н. Данильченко иш устида.

Л. Глауберзон фотоси.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

◆ Узбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун Тошкентда ўтказилган қиличбозлар мусобақасида иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган 48 спортчи иштирок этди. Улардан 40 киши СССР спорт мастери эди. Баҳслар ниҳоятда қизғин бўлди. Узбекистонлик қиличбозлар учрашувларнинг ҳаммасини муваффақиятли ўтказиб, турнир совринини қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозоғистон ва Саратов командалари эгалладилар.

Апрель ойида Саратовда қиличбозларнинг Бутуниттифоқ турнири ўтказилади. СССР халқлари VI спартакиадаси олдидан бу мусобақа Узбекистон командаси учун катта синов бўлади.

◆ Эркак шахматчиларнинг республика чемпионати якунланди. Учрашувларни зўр кўтаринкилик билан ўтказган ангренлик спорт мастери Левон Григорян республика чемпиони унвонига сазовор бўлди. У 15 ҳамкониятдан 11,5 очко тўплади. Иккинчи ўринни 11 очко билан тошкентлик спорт мастери Марк Рудеффер, учинчи ўринни эса 10,5 очко билан Георгий Аъзамов эгалладилар.

Ҳозир республика шахматшашка клубида аёл шахматчилар чемпионати давом этмоқда. Етти турдан сўнг мастерликка кандидат Л. Голдман 6,5 очко билан турнирга пешқадамлик қилмоқда.

◆ Англия терма командаси футболчилари яқинда жаҳон чемпиони Германия Федератив Республикаси терма командаси билан учрашиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. «Уэмбли» стадионида бўлиб ўтган бу ўртоқлик учрашувида голларни рақиб дарвозасига Белл ва Макдокальд киритдилар.

КАТТА РИНГ АРАФАСИДА

Тошкент катта ринг мусобақалари бошланиши арафасида турибди. Яна тўрт кундан кейин, 19 март, чоршанба куни «Юбилей» спорт саройида СССР халқлари VI спартакиадаси программаси асосида боксчиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари бошланади. Тошкент бу йилги спортчиларнинг улкан анжумани — СССР халқлари VI спартакиадаси мусобақаларини биринчи бўлиб бошлаб беради.

Бундан аввалги йиллари ўтказилган спартакиадалар байроғи Ватанимиз пойтахти Москвада кўтарилган эди. Спортчиларнинг ҳар тўрт йилда ўтказиладиган бу катта байрами бу сафар Москва, Ленинград, Тбилиси, Тошкент ва бошқа бир қатор йирик шаҳарларда бўлади.

Пойтахт партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамкорлигида мусобақага катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз. Мусобақалар ўтказиладиган «Юбилей» спорт саройи қайта ремонт қилинди, транспорант ҳамда шиорлар билан безатилди.

Шу кунларда шаҳримизда бир қатор иттифоқдош республикаларнинг боксчилари сўнгги машғулотларни ўтказишмоқда. Украина, Арманистон, Грузия, Молдавия, Туркманистон командалари эса Тошкентга анча барвақт келишиб, спартакиадага кўришаётган тараддудга якун ясашмоқда. Пойтахтдаги энг яхши спорт базалари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Терма командалар иштирокида ўтказилаётган машғулотларни кўплаб спорт мухлислари томоша қилишмоқда. Боксчиларнинг спартакиада программаси асосида ўтказиладиган бу мусобақаси айни вақтда мамлакат биринчилиги вазифасини ҳам ўтайди. Энг кучлилар келаси йил Монреалда ўтказиладиган навбатдаги олимпиада ўйинларига номзод қилиб олинади.

Республикамиз боксчиларининг кейнинги кезларда Бутуниттифоқ ва халқаро миқёсда эришган муваффақиятлари қувонарлидир. Узбекистон боксчилари мамлакат биринчиликларида ҳамда халқаро турнирларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. СССР халқларининг V спартакиадасида Р. Рисқиев билан Н. Анфимов ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилдилар. Ўтган йили Руфат Рисқиев Кубада хаваскор боксчиларнинг жаҳон биринчилигида биринчи ўринни эгаллаб спортимиз шуҳратига шуҳрат қўшгани ҳаммага маълум. Узбекистон боксчилари республикада хизмат кўрсатган тренер Б. Норкин раҳбарлигида бўлажак мусобақаларга тайёргарликни анча барвақт бошлашган эди. Боксчиларимиз олдиларида масъулиятли ва жиддий синов турипти.

Мусобақа ташкилий комитети боксчиларнинг бу анжуманини мухлислар узоқ вақт эслаб юришлари учун, мусобақалар манзур бўлиши учун зарур тадбирларни белгилаган. Махсус эсдалик значоклари таъсис этилди, ширинликлар, турли совғалар «Тошкент бокси» эмблемаси билан чиқарилади. Қатор корхона ва ташкилотлар командаларни оталиққа олишди, энг кучли ҳамда яхши бокс намойиш этган спортчиларга мукофотлар таъсис этилди. Тошкент тўқимачилик комбинати Грузия спортчиларини, «Таштекстильмаш» Украина командасини, «Қизил тонг» фирмаси коллективи Арманистон вакилларини оталиққа олди.

19 март соат 19 да мусобақа байроғи кўтарилгач, дастлабки учрашувлар бўлади. Бокс мухлислари 11 кун давомида жаҳон, олимпиада, мамлакат биринчилиги мусобақаларининг совриндорлари, ҳамда Иттифоқимизнинг етук боксчиларининг чиқишларини томоша қилишади.

Катта боксга марҳамат.

Ғ. РАЖАБОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети пропаганда бўлими мудири.

МИСИ ЧИҚДИ

ФЕЛЬЕТОН

Институт ходимлари у ҳақда доим шундай дейишади:— Ражаб Қоплонович ҳамиша қурашнинг олдинги сафларида бўлади. У доимо жанг алангасида юради.

Бу ҳақ гап. Ражаб Қоплонович доимо ким биландир курашади. Масалан, у 1964 йилни буткул ўлка медицина институтининг директори Г. М. Маҳкамов билан курашишга бағишлади. Унинг бу кураши 1967 йилда ғалаба билан тугади: Ражаб Қоплонович Маҳкамовнинг ўрнини эгаллади.

Бироқ кураш давом этаверди. Энди Ражаб Қоплонович бор кучини Маҳкамовга эмас, балки К. А. Зуфаровга қарши қаратди. Зуфаров Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги қилиб сайланса-ю, Ражаб Қоплонович суриб қўйилса?! Бунга тоқат қилиб бўладими!

Зуфаровдан сўнг у Узбекистон соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари У. О. Ориповга, кейин медицина фанлари доктори Н. Х. Абдуллаевга қарши кураш бошлади...

Ражаб Қоплоновичнинг муҳолифларини икки тоифага — ошкора ва яширин тоифага, яъни ташқи ва ички душманларга бўлиш мумкин. Ражаб Қоплонович билан бирон бир масалада келишмайдиган соғлиқни сақлаш министрлигининг ҳамда бошқа кўпгина ташкилотларнинг ходимлари унинг ташқи душманлари, унга кўр-кўрона бўйсунишдан ва қўллаб-қувватлашдан бош тортган институт ходимлари ички душманлари ҳисобланишарди.

Ички душманлар кўп бўлса-да улар билан олишиш бирмунча осон эди. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас-да, ҳарҳолда улар ўз раҳбарларидан пастроқ вазифада ишлайдилар.

Г. М. Маҳкамовни енгиб олгач, Ражаб Қоплонович Исломбеков анчадан бери дилига тугиб юрган ниятларини амалга ошира бошлади. Эндокринологиядан бошқа нарсани тан олмаслигини очиқ-ойдин айта бошлади. Бошқа бўлимларнинг манфаатларини у сариқ чақага ҳам олмасди. У ўлка медицина институтини эндокринология институтига айлантириши керак, вассалом!.. Оқибатда «ўғай» бўлимларнинг штатлари қисқартирилиб, «ўз бўлими»нинг штати кенгайтирилади. Капитал маблағлар ҳам ана шунга яраша сарф бўлади.

Директорнинг бу хатти-харакатлари фармакотерапия ва гастроэтереология бўлимларининг ходимларига ҳуш ёқмайди. Юқори ташкилотларга маълумотномалар, аризалар, шикоятномалар бирин-кетин жўнатилади. Келган комиссиялар текшириб кўриб шикоят қилувчиларнинг ҳақ эканлигини, институт директори Р. Қ. Исломбеков ҳаддидан ошиб кетганлигини таъкидлайдилар. СССР соғлиқни сақлаш министрлигидан келган комиссия ўз хулосасида институтда меҳнат интизомининг ғоятда бўшашиб кетганлигини, илмий ишлар юзаки олиб борилаётганлигини, ходимлар иш ўрнига фиску-фасод билан шуғулланаётганликларини ёзиб қолдирадилар.

Исломбеков лавозимидан пасайтирилади. Энди у фақат эндокринология бўлимининг мудиригина бўлиб қолади. Ражаб Қоплонович синалган мўлтонилик усулини яна қўллаб, кўракларига уриб хатоларини тан олади ва эски, ўзини оқламайдиган иш усулларидан воз кечганлигига иқрор бўлади. У ўз тавбатазарруғида қилмишларидан хулоса чиқариб, бутун куч ва имкониятларини фанга ва ҳасталар муолижасига бағишлашга онт ичади. Аммо... ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан, яна янги куч билан аввалги «ҳунар»ини давом эттираверди.

Энг муҳими — ҳали ҳеч ким тайин қилинмаган директорлик лавозимини қўлдан чиқармаслик. Институтдаги илмий-тадқиқот фаолиятини касалликларнинг олдини олиш ва ошқозон органлари касаллигини камайтиришга йўналтириш тўғрисида директив органларнинг кўрсатмаларини барбод этиш — иккинчи масала, деб ўйлар эди у.

Бу режаларни амалга ошириш учун бор имкониятларни ишга солди. Оқибатда институт коллективи ўртасида иккита қарама-қарши гуруҳ пайдо бўлди. Бир томонда Исломбековнинг ўзи, унинг қариндошлари, панохидан жой олган «содиқ» ходимлари. Иккинчи томонда, директорнинг шубҳали йўлидан юришни ҳоҳламаган кишилар. Иккинчи томонда гарчанд кўпчилик одамлар бўлса ҳам Исломбеков ва унинг тўдаси тазйиқи остида улар олишувни истамай турли томонга тарқалиб кетдилар. Бўлимнинг ўн тўрт ходими, шу жумладан талайгина фан кандидатлари бошқа бўлимларга ўтиб кетдилар ёҳуд институт билан тамомила хайрлашдилар. Биохимия лабораториясининг тўлиқ состави ўз раҳбари билан биргаликда ишдан бўшади.

Таъзиримизни бериб қўймасдан олдин кетганимиз маъқул, деб ўйлашарди одамлар. Исломбеков эса одамларнинг таъзирини бериб қўйишни биларди. У тобеъларни ишда кўтариш, бўйсунмаганларнинг жазосини бериш санъатини эндокринологияга қараганда анчагина пухта эгаллаган эди.

Директор ўринбосари М. Ш. Содиқовани ўз одами деб ҳисоблаб юрганда ишлар анча силлиқ борди. Ўринбосар ўзининг докторлик диссертацияси устида ишларди, Исломбеков эса илмий раҳбар сифатида уни ўз паноҳида асраб юрди. У ҳатто илмий совет мажлисларида шундай дерди:

— Мухтарам Шараповна докторлик диссертациясини деярли тугаллади. Унинг «Тиреоид патологиянинг тухумдон функционал ҳолатига таъсири» деган илмий иши фанга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

«Узгача фикр юритувчилар» билан курашишда Содиқова унинг йўлидан бормаганч, Исломбеков бир зумда ўзгарди-қолди. Ҳамма нарса чаппасига айланди. Кечагина мақталган унинг илмий иши арзимайдиганга чиқарилди, Содиқованинг ўзи ҳам ёмон отлиқ бўлди-қолди.

Лекин Содиқова бўш келадиганлардан эмасди. У Ленинграддаги акушерлик ва гинекология институтида ўз диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Аммо институтда ёқлаган бўлса ҳам ҳали бу ёқда ВАК бор. Исломбеков эса ВАК эксперт комиссиясининг аъзоси. У Содиқовага «доғ туширадиган» материалларни тезда йиғиб, Москвага жўнатади. Содиқова докторлик илмий даражаси бериш масаласи кечиктирилади.

Бу ҳали ҳолва. Уша маҳалда Исломбеков раҳбарлигида кандидатлик диссертацияси устида иш олиб бораётган В. Н. Федосеев, С. М. Бурлева ҳамда С. В. Гохбергларга анчагина қийин бўлган эди. Тўғри, у асабийлашганда Содиқовани турткилаб силталагандек, ўз шогирдларини қийнамади. Баттарроқ қилди. Ражаб Қоплонович уларга илм даргоҳига йўл берк эканлигини очиқ-ойдин айтди.

Бу ишнинг охири шундай бўлди. Бурлева илмий ишдан қўл силтаб, амалий ишга ўтиб кетди. Гохберг диссертациясининг материалларини кимдир ўғирлаб қўйди. Федосеева йиғиб юрган материаллар Исломбековнинг жияни Л. Назарованинг қўлига ўтиб қолди ва у Ереванда диссертациясини «муваффақиятли» ҳимоя қилиб қайтди. Бу ҳол ўлка медицина институтининг илмий советидан сир тутиб амалга оширилди. Қалбаки ҳужжатларни тўғрилашда Исломбеков «саҳийлигини» аямади. Л. Назарова билан биргаликда Ереванда ҳуфя равишда Исломбековнинг иккинчи бир эркатойи — И. Тенчурина ҳам диссертация ёқлади.

Институтда доцент Л. П. Израилевичнинг пайдо бўлиши Исломбековга томдан тараша тушгандек туюлди. Исломбеков турганда институтга иккинчи жарроҳнинг нима ҳожати бор экан!? Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Секин асталик билан, зимдан Израилевичга қарши таъқиб бошланади, уни институтдан сиқиб чиқариш режалари тузилади. Олдинига Исломбеков ўнга холис маслаҳат беради: «Азизим, яхшиси сиз институтдан кетганингиз маъқул». Лекин Израилевич кўнмади. Шунда Исломбеков илмий совет мажлисида янги жарроҳнинг эскича усуллар қўллаётганлигини айтади. Сўнгра у доцентни одамлар устида тажрибалар ўтказмоқда деб «айблайди». Доцент бунга ҳам чидайди, лекин таслим бўлмайди.

Шундан кейин бошқа «самараликроқ» воситалар ишга солинади: операция кетаётганда гоҳ электр ўчириб қўйилади, гоҳ консерваланган қон сақланадиган холодильник тўхтатиб қўйилади. Израилевич кетишга мажбур бўлади.

Эндокринология бўлимининг ходимлари қуйидаги принцип асосида ишга олинарди: Исломбековнинг деганини деган одам бу ерда ишлайди, акс ҳолда ковуши тўғриланади. У институтга кераклими, йўқми, бураги бор? У ўзи мудир бўлган бўлимга конкурссизоқ кимни олиш кераклигини, кимдан қутилиш кераклигини яхши билади. Бутуниттифоқ ҳукуматининг қарори бор-ку! Унга бунинг аҳамияти йўқ. «Номим оламга машҳур олим бўлсам, қани биров мушугимни пишт деб кўрсин-чи» деб ўйларди у.

Чиндан ҳам анча маҳалгача Исломбековнинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб келди. У фан доктори, у профессор, у медицина фанлари Академиясининг мухбир аъзоси, у лауреат, ниҳоят у ВАКда ҳам эътиборли одам. Яхшиси унинг жиғига тегмаслик керак.

Республика соғлиқни сақлаш министрлиги Исломбековнинг инжиқликларига ён босиб сўнгги тўрт йил ичида ўлка медицина институтининг структураси ва штат рўйхатини тўқиз марта ўзгартирди. Барибир Ражаб Қоплоновичга ёқмади.

Содиқова билан бўлган можаролардан сўнг институт партия бюроси Исломбековга учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилишга журъат этди. Энди чидаб туриб бўлмас эди. Бутун коллектив ғазабга келган эди. Шу пайтгача уни ҳар хил устомонликлар билан иш кўрадиган суюқоёқ деб ҳисоблаб келишарди. Аслида у безбет, безори ҳам экан. Бўлмаса у аёл кишига, ўзи билан бирга ишлаётган олимага қўл кўтарармиди?!

Партия бюроси қарорини муҳокама қилиш учун институтда беш маротаба партия мажлиси чақирилди. Лекин ҳар сафар ҳам турли баҳоналарни рўкач қилиб Исломбеков мажлисга келмади.

Ражаб Қоплонович ўзини ғолиб қоплондай сеза бошлади. ВАКка Содиқова ҳақида иғвогарона материалларини жўнатгач «менинг устимдаги шахсий иш совун пуфаги сингари ёрилиб кетди» деб мақтаниб юрди.

Исломбековдан чўчимай бўлармиди! Бутун коллективни қўрқув босган эди. Одамлар илмий ишларини унутишди. Эндокринология ва фармокотерапия бўлимларининг раҳбарлари илмий Советга ўзларининг 1971, 1972 йилларда қилган ишлари тўғрисида ҳисоботлар ҳам беришмади. 1973 йилда эса гарчанд бўлим мудири тўғрисига кўчиб «Бўлим деярли ишламади...» деса ҳам фармокотерапия бўлимининг ишини Совет қониқарли деб топди.

Институт иш бошлагандан буён у ерда илмий тадқиқотлар якуни бўйича биронта ҳам илмий конференция ўтказилгани йўқ. Якунланадиган иш бўлмагач, қанақа конференция ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Бунинг акси ўлароқ ўз-ўзини мақташ соҳасида қилинган ишлар ҳаммани ҳайратга солади. Исломбеков газета ва журналлар саҳифаларида, радио ва телевиденияда кўкларга кўтарилиб мақталди. Газеталарнинг бирида (Исломбековнинг ўзи айтишича) ҳатто уни «ҳарбийлар сулоласидан» деб мақташди. Кейин аниқланишича, бу «сулола» она Ватанни ҳимоя қилишда қатнашиш у ёқда турсин, Совет Армияси сафида хизмат қилмаган экан.

Ражаб Қоплонович жамият олдида ўзини «фан сардори» қилиб кўрсатишга уринарди-ю, лекин ўзининг айрим нозик томонлари ҳақида ломмим демас эди: у сариқ металл деса тишини синдирарди, беморлардан таъма қилишдек пасткашликдан ҳам қайтмас эди, фақат ўз ҳамёнини ўйларди.

Биз кўпинча рассом ёки олим истеъдодидан ҳайратланамиз-у, унинг камчиликларини кўришни ҳоҳламаймиз. Бўса бўпти-да, кимда камчилик йўқ, деб ўйлаймиз. Ахир у шундай кашфиёт қилдики, унинг унча-мунча нуқсонини авф этса бўлади, деймиз...

Мазкур сатрларни ўқиган кишиларда ҳам ана шундай фикр туғилиши мумкин. «Ахир,— республикамиз тиббиёти донғини ўша ёйди-ку! У фанимиз шамчироғи эди-ку! У эндокринологиянинг пири эди-ку!»— дейишлари мумкин.

Баҳслашмаймиз. Айрим ҳужжатлардан баъзи фикрлар келтирамиз...

Медицина фанлари доктори, профессор Н. Х. Абдуллаев:

«Р. Қ. Исломбеков ва унинг ходимлари ҳозирга қадар қалқонсимон без патологиясининг хирургияси билангина машғул бўлиб келдилар, улар том маънода эндокринология мутахассислари деб ҳисобланмайдилар».

СССР соғлиқни сақлаш министрлиги комиссиясининг хулосасидан:

«Бўлим [ўлка медицина институти эндокринология бўлими назарда тутилмоқда — В. В.] бўш ишламоқда. Илмий тадқиқот мавзулари юзаки характерда. Уларни бундан буён тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас».

Яна бир ҳужжатда шундай дейилади:

«Исломбековнинг фандаги хизматлари унинг унвонлари ва даражасига муносиб эмас. Исломбеков катта тадқиқотлар ўтказмайди. У фақат ўзини йирик олим, катта ишларни амалга ошираётгандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади, холос... Тадқиқотлар орасида уйдирмадан иборат бўлган амалда ўтказилмаган тадқиқотлар ҳам мавжуд, деб ҳисоблаш учун ҳамма асос бор...»

Мана, гап қаёқда!

В. ВИКТОРОВ.

Жаҳон янгиликлари

РЕАКЦИЯ ФИТНАСИ БАРБОД БЎЛДИ

ЛИССАБОН, 12 март. ТАСС мухбири Э. Ковалев хабар беради: Португалия президенти Кошта Гомеш 11 мартда кечқурун миллий радио ва телевидение орқали нутқ сўзлади. У бундай деди: «мамлакатда демократлаштириш жараёнига путур етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган» яна бир реакцион авантюра барбод бўлди. Фитначилар, деб айтди у яна мамлакатда граждан уруши бошланиб кетишига ёрдам берадиган вазиятни вужудга келтиришга ҳаракат қилдилар.

Президент ҳозирги пайтда қуролли кучлар ҳаракати мамлакатдаги аҳволни тўла-тўкис назорат қилиб турганлигини таъкидлади.

Кошта Гомеш давлат тўнтаришини ташкил қилишга уринганликлари учун жавобгар бўладиган бир қанча офицерларнинг номларини айтиб ўтди. Бу офицерлар орасида Португалиянинг собиқ президенти генерал А. Ди. Спинола, авиация генерали Руи Тавариш Монтейру, генерал Фрейре Дамиан, парашютчи қисмлар полковниги Рафаэл Дуран ва бошқалар бор.

Президент португалларни осойишталикка, ҳушёр бўлишга ва тартиб сақлашга даъват этди.

Португалия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий комиссияси баёнот эълон қилиб, тўнтариш қилиш йўлидаги уриниш қуролли кучлар ҳаракатининг тез ва қатъий иш кўрганлиги ва халқ оммаси кенг сафарбар этганлиги туфайли барбод бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

ПКП бош секретари Алваро Кунъялнинг суҳбати ҳам радио орқали эшиттирилди. У халқни реакцияга қатъий зарба беришга чақирди.

КЕНИЯДАГИ АҲВОЛ

НАЙРОБИ, 13 март. (ТАСС). Бу ерда Кениянинг таниқли сиёсий арбоби, парламент депутати ва ҳукуматнинг собиқ аъзоси Д. Кариуки ўлдирилди.

Полициянинг маълум қилишича, Кариукини номаълум шахслар ўлдирганлар, унинг жасади пойтахтдан 15 километр наридаги ўрмон ичидан топилган. Кения парламентининг депутати Аньона миллат мажлисида сўзга чиқиб, вице-президент ва ташқи ишлар министридан Д. Кариуки ҳалок бўлишидан сал олдин уни полиция қамоққа олганлиги тўғрисидаги миш-мишларни тасдиқлаши ёки рад этишини талаб қилди.

Маҳаллий қузатувчилар доирасида таъкидланаётганидек, илгари Кенияда сиёсий важлар билан сўл оппозиция раҳбарларидан бири Пио Да Гама Пинто билан ҳукмрон Кану партиясининг бош секретари Т. Мбойя ўлдирилган.

Кенияда сўл арбоб сифатида обрў қозонган Д. Кариукининг ўлдирилиши мамлакатда жиддий ташвиш туғдирди.

Кения янгиликлар агентлиги бугун республика президенти Ж. Кениатанинг баёнотини эшиттирди. Президент Кения гражданларини осойишталикни сақлашга даъват этган.

ҚАМАЛ ХОЛАТИ ЯНА УЗАЙТИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 март. (ТАСС). Мамлакатда ҳокимиятни босиб олган фашистлар ҳунтаси жорий этган қамал ҳолати Чилининг бутун территориясида яна олти ой чўзилганлиги Сантъягода эълон қилинди. Комендантлик соати сақлаб қолинди.

Фавқулодда чоралар муҳлатининг узайтирилиши ҳарбийларнинг репрессияларни давом эттираверишларини енгиллаштиради, бундан буён ҳам айб қўймасдан оммавий тинтув ўтказиш ва қамоққа олишларга, кишиларни судсиз ва терговсиз турмаларда чексиз кўп вақт ушлашларига, ватанпарварлардан ваҳшиёна ўч олишларга имкон беради.



КАНАДА. Ванкувер шаҳар радиостанцияси ходимлари меҳнат шароитини яхшилашни талаб этиб иш ташладилар. Суратда: намойиш қатнашчилари.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/III да **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Лукаш ботир**, 16/III да **Чақмоқ** (12.00). **Лукаш ботир.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Ташвишланманг, онажон,** (10.00), **Трибунал** (15.00), 16/III да **Ташвишланманг, онажон.** (12.00).

КИНО

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «НУКУС», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Нега бу ҳол рўй берди? — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бороро қабиласининг сири — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Уч мўшкетёр — «ДРУЖБА» (11.00, 14.30, 18.00).

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик совхози коллективи шу совхознинг собиқ директори **Абдураззоқ Мавлонович МАВЛОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Калинин район халқ маориф бўлими, маориф ходимлари касаба союзи ва 37-мактаб коллективи шу мактаб директори Н. Жалиловага онаси **Сорабиби САИДАКБАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.
Р. 02292. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2482.